



Маънавият таргиботчисига ёрдам

МУҲАММАД ҚУРОНОВ

**ТАРГИБОТ
ТАМОЙИЛЛАРИ**




РЕСПУБЛИКА МАҲНАВИЯТ ТАРФИБОТ МАРКАЗИ

МУҲАММАД ҚУРОНОВ

ТАРФИБОТ
ТАМОЙИЛЛАРИ

3100

ТОШКЕНТ «МАҲНАВИЯТ» 2015



УЎК: 32.019.5

КБК: 66.2(5Ў)

Қ 82

Қуронов, Мұхаммад

Қ 82 Тарғибот тамойиллари / М. Қуронов; масъул мухафизи
Қ. Куранбоев; Республика маънавият тарғибот министри
– Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-259-9

Дунё миқёсида гоявий таҳдид ва ахборот хуружлари кучайиб, одам таронги ва қалбини эгаллаш борасидаги кураш тобора мураккаблышин бораётган бугунги кунда маънавий-мағкуравий, жумладан, тарғибот ташвиқот ишларини самарали олиб бориш, таъсирчанлигини оширишини хаётнинг ўзи талаб қылмокда. Бу жараёнда ўтказиладиган ҳар бир тадбирни аник мақсад асосида, замонавий усул-услубларни қўйлаган ҳолда ташкил қилиш мухим аҳамият касб этади.

Ушбу илмий-амалий қўлланма ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда тайёрланди. Ундан маънавият ва мътифат тарғиботчилири, тъзим мұассасалари, ёшлар, махалла, хотин-қизлар ташкилотлари бошқа давлат ва нодавлат мұассасаларининг маънавий-мътифий инниватор бўйича масъул ходимлари, зиёлилар, кенг жамоатчилик тарғибот инниватор фойдаланиши мумкин.

УЎК: 32.019.5

КБК: 66.2(5Ў)

М а съ у л м у х а р р и р:
сиёсий фанлар доктори **Қ. Куранбоев**

Тақризчилар:
фалсафа фанлари доктори, профессор **Б. Тўйчиев**
фалсафа фанлари номзоди **Ш. Тўраев**

МУРЛКАБ ДАВР ТАЛАБИ

«Шарқ ғеки Гарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ғеки Осиё қитъаси бўладими – жаҳоннинг юниони бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандай таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бу-сунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган бир бир онгли инсон, ҳар бир ҳалқ ташвишга тушиши табиинӣ, албатта. Бу ҳақда гапирганда, фақат битта маддат ғеки ҳалқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тар тушуниш бўлур эди... Мухим ижтимоий-сиёсий ижоннинг эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, туннинг барча мамлакатлари ва ҳалклари ҳаётига даҳолор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва даҳолини мақсаддага мувофиқдир».

ИСЛОМ КАРИМОВ

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан

Ҳозирги таҳликали замонда огоҳлик масаласи кун тартибидаги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Шундай экан, бугунги ва келажак авлодни ҳир қандай таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг замонаий усусларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш масъулиятли вазифа эканини унутмаслик лозим. Бунда Ўртбошимизнинг асарлари, оммавий ахборот воситалиридаги чиқишлари таянч методологик манба роҳини ўйнайди. Бинобарин, Президентимиз асарлари асосида ғоявий-мафкуравий курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққий парвар ғояларга қарши курол,

куч, макр-хийла ишлатиб келингап. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилган, боскинчиларнинг қадриятлари зўрлаб ўтказилган. Ҳозирги кунда ҳам экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, ахлоқсизлик, «коммавий маданият»ни тарғиб қилиш жиддий хавф сифатида намоён бўлмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги 1271-сон қарорида бизнинг олдимизга «Қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» вазифаси кўйилгани бежиз эмас. Зеро, мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янгидан янги усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга факат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги таҳликали давр миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини тинимсиз ошириб боришни талаб қилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз зарурдир».

МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРГИБОТИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ

Тарғибот (*араб.* қизиктириш, тарқатиш) – кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий гоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёsat ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мафкура ва сиёsatни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим.

Тарғибот (лот. *propaganda* – тарқатилиши керак бўлган маълумот) – оғзаки ёки оммавий ахборот воситалари орқали муайян гояларнинг жамоатчилик онгидага оммалаштиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Ташвиқот – одамларни шавқлантириш, уларга таъсир ўтказиш мақсадида ёзма ва оғзаки шакллардаги ундаш, даъват қилиш, шу асосда уларнинг қалбида завқ-шавқ, муҳаббат ёки нафрат уйғотишни ўз ичига олади. Ташвиқот (лот. *agitation* – ҳаракатга келтирмоқ) – маълум бир ижтимоий гурух ёки оммани кўзланган мақсад сари фаолликка ундейдиган тарғибот фаолиятидир. Ташвиқотнинг оғзаки, нашрий ва аудио, видео турлари мавжуд бўлиб, у фоят таъсирчан ижтимоий-сиёсий кураш воситаси ҳисобланади.

Барча замон ва маконларда ҳам, ўз халки келажагини ўйлаган ҳар кандай мамлакатда ҳам ахоли давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат, ислохотлар, ўзгаришлардан маълум даражада хабардор қилиб борилган. Бу эса жамиятни бирлаштириш, умуммиллий мақсадлар йўлида сафарбарликни таъминлаб, давлат ва жамият бирлигига эришишдек мақсадларга хизмат қилган.

Афсуски, бу кўхна дунё бузғунчи гоялар тарғиботини ҳам кўрди, ундан қўп азият чекди. Ҳозир ҳам диний экстремизм, халқаро терроризм, эгоцентризм, ватансизлик, ахлоқсизлик гоялари янги – XXI аср технологиялари билан қуролланган ҳолда тарғиб этил япти. Восита, шакл ва мақсадлар ўзгариб бораётган, турли номларда аталаётган бўлса-да, улар замирида муайян гоялар тарғиботи ётибди. Шунинг учун бошқаларнинг тинчлигини бузиш, барқарор тараққиётга ҳалал беришга йўналтирилган ҳамда миллий манфаатларга қарши қаратилган бундай тарғиботни вайронкор тарғибот деймиз.

Мустақил Ўзбекистондаги тарғибот ишлари мустақилликни янада мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни тарғиб қилишга қаратилганки, бу – бунёдкор тарғибот ҳисобланди.

Мустақиллик йилларида юргимизда халқ маънавиятини бойитиш, кенг оммани миллий манфаатларни англаш ва уларни кўз қорачиғидай асрашдек эзгу ишларга сафарбар қилишга қаратилган тарғибот тизими шаклланиб, у йил сайин такомиллашмоқда.

Тизимнинг технологик жиҳати

Бу тизим кутилган натижани кафолатлашга қаратилган турли ҳаракатлар, воситалар, усуслар, функция ва

субъектларнинг ўзаро боғлиқлиги сифатида намоён бўла-ди. Шу сабабли бунда воситалар эмас, балки фукарода у ёки бу фазилатни шакллантиришда кафолатланган натижага эришишнинг алгоритмлари режалаштирилади.

Мазкур тизим, мавжуд ҳолатни диагностик ўрганиш, уни мазмунан бойитиб, такомиллаштириб бориш асносида замон талабларига жавоб бера олишини таъминлаш тамойилига асосланади. Бу эса амалга ошириладиган ҳар бир чора-тадбирнинг аниқ натижани кафолатлашига эътиборни қаратиш, унинг мақсадга мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш ва са-марадорлигини қайд қилиб боришни талаб этади.

Тизим амалиёти натижалари изчил равишда муасасаларнинг тегишли йиғилишларида муҳокама қилиб борилади.

Жараён учун эмас, натижа учун ишлаш

Бу ҳакда, албатта, муроҳаза қилиб олиш керак. Бир мисол. Овдан қайтган овчига «Натижа қандай бўлди?» – деб сўрасангиз, у: «10–12 км юрилди, ўлжа пойлаб кутилди, 47 та ўқ отилди. Яхши бўлди, худога шукур», – демайди. «2 та күён, 4 та каклик отиб келдим, мана», – дейди.

Врач ҳам: «10 та касалим бор эди. Икки ҳафта давомида уларга ташҳис қўйиб, укол қилдим, ҳолидан хабар олдим, керакли муолажаларни амалга оширедим», – демайди. У: «бир ҳафтада 6 таси соғайиб кетди, 4 тасини даволаяпман», – дейди.

Фермер эса йил давомида неча марта пахтасини сугоргани, қанча маҳаллий ўғит солғани, неча карра культивация қилганидан эмас, гектаридан 40 центнер биринчи нав пахта териб, давлатга сотдим, деб сўзлайди. Жангчи ҳам душманга қаратиб қанча ўқ отганига караб эмас, душманни қанчага камайтиргани учун мукофотланади ва ҳ.к.

Хар бир маънавий-маърифий тадбир (учрашув, сухбат, театрга тушиш, маъруза) душманга қарши отилган foявий ўқ. Отилган ўқ тегмаса, тегса-ю ўлдирмаса, таъсир килмаса, айб уни тайёрлаб чикарган заводда, ўқ отган масъулда. Ҳатто, ўтказган тадбирнинг ёшларга қай тарзда таъсир қилиши тадбирни тайёрлаб ўтказувчиларда.

Мафкуравий ўқ яхши бўлса-ю, нишонга теккиза олмасак, унда ўқни ишлаб чиқувчи «завод» эмас, биз айбормиз. Ёшлар тарбиясига профессионал, янгича ёндашув ана шу аччиқ ҳақиқатлардан келиб чиқиши керак. Ёшлар тарбиясига эскича ёндашувда хulosалар: «ишлаяпмиз, тадбирлар ўтган йилдагидан 20 фоизга кўп ўтказилди», тарзида бўлган.

Янгича ёндашувда эса диагностик асосда «80% ёшларда фидойилик малакалари яхши, 71% ёшларда ватанпарварлик кўникмалари, 79% ёшларда мафкуравий иммунитет қониқарли даражада шакллантирилди; қолган 29, 21% ёшлар билан кучайтирилган тарзда якка, гурухий, замонавий тарбиявий ишлар дастури амалга оширилмоқда; ёшлар тарбиясига мана бу 1,2,3,4 – ёт таъсирлар зарар беряпти; уларни заарсизлантириш учун куйидаги 1,2,3,4 чоралар ташкил этилди; натижада, 6 ойда ёт гоялар таъсири фалон фоиздан фалон фоизга камайтирилди», дейилади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан бўлиб, у фуқароларнинг миллий ҳис-туйғулари, мақсад ва интилишлари, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлокий дараҷасига бевосита боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, ёшларимиз ёт мафкураларнинг «мехрибонлиги», «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», «дўстоналиги» ортида нима ётганини англай билишлари лозим. Яъни, ёшларни уларнинг замирида тактикасини мунтазам ўзгартириб турувчи ақидапарастлик тарғиботи ётганини тушунишига ўргатиб бориш керак.

Ёт мафкуралар эмин-эркин томир ёзадиган серунум замин – бу майший қулайликка ортиқча интилиш, ташқи гўзаликка ҳаддан ташқари берилиш, буюм-парастлик, бокимандалик ва миллий турмуш тарзида одатий ҳол бўлиб қолган афзалликлар ва неъматлардан онгсиз равишда фойдаланиш, уларни маънавий қадрият сифатида тўла англай билмасликдир. Бу каби мураккаб вазият ёшлиаримизда мафкуравий иммунитетни тарбиялашни янада фаоллаштиришни талаб қиласди. XXI асрда Ўзбекистонимизни жаҳоннинг тараққий этган пешкадам давлатларидан бирига айлантириш учун ўзимизда, фарзандларимизда метин мафкуравий эътиқод, умуммиллий бирлик бўлмоғи керак. Олий ўкув юртларида жорий қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар» фани ана шу бирликни, эътиқодни шакллантиришга қаратилган муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Қолаверса, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот жараёнида ёшлиаримизга хос ўзини ўзи такомиллаштиришга интилиш, ўқишга кириш, касб танлашни ўз келажаги билан боғлаш, ўзини ўзи англашнинг янги босқичига кўтарилиш, ўз «мен»идаги ютуқлар билан бирга камчиликларини ҳам англай бориши, туйғулар етакчилигининг босила бориши, илгари тенгдошларидан излаган намунани энди катталар орасидан қидира бошлаш, ўзини катталар сингари ҳис қилишга мойиллик, самимий ҳамфикр қидириш ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олиш ва уларга таяниш лозим.

Кимки гўдакни кўтармоқчи бўлса, аввал унга эгилиб, қўлида тутиб, кейин юқорига кўтаради. Худди шунингдек, ким кимни ўзига мослаштирмоқчи бўлса, аввало, ўзи унга мослашади. Ўзгартиришни истамаса, бефарқ бўлади, мослашмайди. Демак, тарбиячилар боғчада бола билан боладек, мактабда – ўспириндек, институтда – ёшлардек гаплашиши керак.

Таълим муассасасининг ҳовлиси бу – педагогик му-

носабатлар майдонидир. Бу ерда ҳар бир сўз, ҳар бир нигоҳ, хатти-ҳаракат тарбия мақсадларига бўйсундирилиши шарт. Акс ҳолда, таълим муассасасидаги маънавий муҳитнинг хос жиҳати йўқолади. Кўчани назорат қилиш қийин, бироқ таълим муассасаси ҳовлисида педагогик назорат устувор бўлмоги керак. Зоро, бу масала Конституциямизда алоҳида таъкидланган масаладир.

Албатта, бу масъулиятли ишда профессор-ўқитувчиларнинг шахсий намунаси, маънавияти, ҳаётга бўлган муносабати катта роль ўйнайди. Қолаверса, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари ёт ғоя, мафкуралар тарғиботининг умумий мақсад-ниятларини аниқ билиши ва бошқаларга тушунарли тилда билдира олиши жиддий аҳамият касб этади. Бу жиҳат ёт мафкуравий қарашлар танқидига саёз ёндашиш, улар хавфини ҳаспўшлашнинг олдини олади, замонавий мафкуравий кураш хусусиятларини, душман мафкурасининг мунофиқлигини хисобга олиш, бузғунчилар таянадиган асосларни далил-исботлар билан фош қилиш имконини беради.

Мафкуравий иммунитети юксак даражада шаклланган фуқаро атрофидагиларни ҳам гоявий тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллати учун бефойда, зарарли одатлардан воз кечади. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шарти, деб тушунади. Бундай одам ҳар бир мафкуравий таъсирга «Бу маълумотни кимлар, нима мақсадда тарқатишмоқда? Тарқатувчи бундан қандай манфаат кўзляяпти? Айтилаётган гаплар ҳақиқатми, бўхтонми?» – деган таҳлилдан келиб чиқиб муносабат билдиради. У ўз вазифасини миллатнинг кунига яраша, огирини енгил қилишда кўради. Шу сабабли ўз «қобиғи»дан чиқиб юксакка кўтарилади ва миллат манфаати учун, миллат фаровонлиғи орқали ўзини камолотга эриштириш учун бошқалардан кўпроқ, самаралироқ меҳнат қиласи.

ТАРГИБОТ ТАДБИРЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

1-шарт. Таргиботчининг компетентлигига қўйиладиган талаблар

Маърузачи мавзуда қўтарилиган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, тарихи, унинг бугунги ҳолати ҳакида тўлиқ тасаввур ва тушунчага эга бўлиши, мавзуни ёритишида мавжуд фактларни керакли йўналишда талкин эта олиши, аудитория тушунмайдиган, умумий, мавҳум, ноаниқ гаплардан тийилиши керак.

Маърузачи ҳар бир тадбир учун маҳсус тайёрланади. У муҳокама этилаётган муаммонинг сабаб ва оқибатларинигина эмас, балки ижобий ечимларини ҳам, албатта, кўрсата олиши лозим. Мавзу юзасидан мавжуд фактларни таҳдил қилишда даврийликка амал қилиши, агар аудитория тушунмайдиган илмий ифода ё атама ишлатадиган бўлса, уни шархлаб, изоҳлаб бериши керак.

2-шарт. Тадбирни ўтказишидан олдин унга бўлган эҳтиёжнинг, заруратнинг асосланганлиги

Тадбирнинг нима учун айнан шу мавзуда, шу вақтда, шу қатнашчилар таркиби билан ўтказилаётгани ташкилотчилар томонидан асосланиши керак.

Тадбир ўтказилишидан олдин уни ўтказиш заруратини аниқлаш лозим бўлади. Бу зарурат дунёда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеа ёки мамлакат миқёсидаги кенг қамровли тадбирлар ва аҳолининг бу

тўғрида ишончли манбалардан муфассал, аниқ маълумотларни билишга интилиши бўлиши мумкин. Тадбир учун белгиланган вақт ҳаётда рўй берган ёки рўй бериши кутилаётган воқеа-ҳодиса гоявий жихатдан турлича талқин этилиши ҳамда у ҳақда ортиқча миш-мишлар тарқалишининг олдини олиш заруратидан келиб чиқади. Қатнашчилар таркиби тўғрисида олдиндан маълумот олиш эса тарғиботчига тадбирда кўрилаётган масала моҳиятини тушунтиришда мўлжал ва йўналишни тўғри белгилашга ёрдам беради.

3-шарт. Тадбирга тайёргарлик кўриши

Тадбирга тайёргарлик кўришда нотик ўзига тақдим этилган материалдан, илмий адабиётлардан, Интернет тармоғидан фойдаланиши, мутахассислар билан сухбатлашиши, маълумотлар тўплаши керак. Айниқса, республикамизнинг марказий оммавий ахборот воситалари, телерадиоканаллари маълумотларидан унумли фойдаланиш зарур.

Ташкилотчилар қатнашчиларни тадбирдан камида бир хафта олдин хабардор этадилар. Керакли аудио визуал кўргазмали воситаларни тайёрлаб, фаол иштирокчиларни рагбатлантириш чораларини кўриб қўйсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Токи, тадбир ҳали бошланмасдан туриб, ўзининг эълони билан кишиларни қизиктирсинг, ўзига чорласинг. Уни эшитган, ўқиган киши тадбирда кўтариладиган масалалар унга дахлдорлигини тушунсин.

Тадбир технологияларини танлашда, энг самарали йўллардан бири – бу мультимедиали ёндашувдир. Бироқ, маънавий-маърифий жараён учун технологияларни танлашда қуйидаги муҳим омилларга:

– маънавий-маърифий фаолият жараёнида янги технологиялардан фойдаланиб мақсадга эришишни таъминлашнинг муҳимлиги;

– энг замонавий медиа технологиялар билан бир қаторда, анъанавий технологиялар ҳам самара бериши мүмкінлиги;

– тадбирлар самарадорлиги ахборот технологияларининг турига қараб эмас, балки тадбирларни аввалдан ишлаб чикиш, уларни қизиқарли ўтказиш сифатига боғликлиги;

– технологияларни танлашда аудиториянинг интеллектуал даражасига, тарбиявий фаолият соҳасининг ўзига хос томонларига эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Тадбир ташкилотчилигига ҳам муайян талаблар қўйилади. Қатнашчиларни тадбирдан камида бир ҳафта олдин хабардор этиш; маъруза тезисларини олиб тарқатиш; керакли аудио, визуал, кўргазмали воситалар тайёрлаш; фаол иштирокчиларни рағбатлантириш учун совғалар тайёрлаш шулар жумласига киради.

Тадбирда электрон тақдимот – слайдлардан на-мойиш ва кўргазмали материал сифатида фойдаланиш тарғиботчига қулай имкониятлар яратади. Бериладиган ахборот материалининг анимациялар шаклида тақдим этилиши ўтказилаётган тадбирнинг ўзлаштиришни енгиллаштиради ва кўргазмалиликни оширади. Намойиш слайдларини олдиндан тарқатма материал сифатида ҳам бериш мумкин.

Слайдлар асосида тингловчилар ўзларининг фикрларини баён этиб, бу орқали улар муҳокама этилаётган мавзу бўйича хulosалар ва саволларни шакллантириш малакасига эга бўладилар. Бундай методика тарғиботчига ҳам янги ахборотларни кўпайтириш, слайдларни такомиллаштириб бориш имкониятини беради.

Методик жиҳатдан тарғиботчи ва тингловчиларнинг ўзаро мулоқоти икки турдаги таъсирдан иборат бўлади. Биринчи тур таъсир – тадбирнинг маълум босқичида тингловчига шу босқичдаги масалани ту-

шунишига ёрдам берувчи йўналтирувчи саволлар берилади. Иккинчиси – масалани аниқлаштирувчи фикрлар ва ҳаракатлар усули кўрсатилади. Саволлар ва кўрсатмалар сони тақдимот материалларининг иштирокчилар томонидан ўзлаштирилишига боғлик равишда белгиланади.

Психологларнинг маълумотига таянсак, қатнашчиларнинг диккатини дастлабки б дақиқа давомидаги на жамлаб тура олиш мумкин. Бу вақтдан кейин уларда дастлабки пайтдаги диққат тарқала бошлайди. Шунинг учун олти дақиқа мобайнида қатнашчилар билан фаол мулокот ўрнатиб олишга эришиш керак. Уларнинг диккатини жамлаб тура олиш учун маъruzачи риториканинг қонуниятларидан, нотиқлик маҳорати сирларидан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Мисоллар келтириш учун аудиторияга мурожаат килиниши ҳам қатнашчиларнинг диккатини жамлашга ҳисса қўшади. Бунда мисол келтиришни савол тариқасида сўраш, илтимос қилиш мумкин. Демак, бундай савол-жавоб бир неча марта тақрорланиши керак.

Аудитория келтирган мисол билан маъruzачи келтироқчи бўлган мисол нотиқ томонидан ўзаро таққосланиши ҳам яхши натижা беради. Бу билан воиз ва аудиториянинг фикрлашлари ўзаро бир хил эканлиги текширилади ҳамда тадбирнинг шундай зайлда бориши қатнашчиларни руҳлантиради.

Бугунги кунда тадбирларни ўтказишида дебат усулидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бунда маъruzачи тингловчиларни икки гурухга ажратади ва томонлардан кўтарилиган муаммонинг ечимини аниқлашни сўрайди. Воиз ҳар икки томоннинг фикрларини эшитади ва якуний хулоса чиқариб, уни баён этади. Бундай усулнинг афзаллиги шундаки, тадбирда ҳар бир қатнашчига жараённинг фаол иштирокчисига айланиш имкони берилади. Ўз фикрини ифода эта олиш ҳар бир иштирок-

чида катта таассурот колдиради ва мавзунинг чукур ўзлаштирилишига замин яратади.

Таъкидланганидек, фаол иштирокчиларни рағбатлантириш учун мукофот ташкил этиш яхши самара беради. Бунда катнашчиларда ижобий маънодаги баҳсласиши, мусобакалашиш рухи пайдо бўлади ва бу тадбир самара-дорлигини орттиради, тингловчиларда кейинги тадбирларда иштирок этиш иштиёкини уйғотади.

4-шарт. Тадбирнинг номи

Кизиқарли, қатнашчиларнинг ёши, касби, манфаатларига мос, маънавий-мафқуравий, тарбиявий йўналишлардан бирининг вазифасига кирувчи долзарб масала қўйилиши, тадбир номи содда, аник, жалб килувчи бўлиши керак.

Тадбирни номлашда ўта илмийлаштиришдан, узундан узок жумлалардан қочиш керак. Чунки, расмиятчилик кишиларни тадбирдан бездиради. Мавзуни номлашда кўпроқ кундалик хаётимизда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланилса, яхши самара беради.

Қатнашчиларнинг ёши, касби тадбир давомида мисоллар келтиришда инобатга олиниши керак. Агар қатнашчиларнинг кўпчилиги ёшларни ташкил қиласа, тадбир давомида яқин ўтмишдан, ёшлар бефарқ бўлмаган ва тадбирга қатнашаётган авлод бевосита гувоҳ бўлган воқеа ва ҳолатлардан мисоллар келтирилади. Қатнашчилар ўрта ёшларда бўлса, келтириладиган мисоллар ўрта авлод вакиллари гувоҳ бўлган воқеликлар, атрофимизда юз бераётган янгиликлардан олинади. Бунда қатнашчиларнинг касбидан келиб чиқиб мисоллар танлаш имконияти ҳам сақланади. Тадбир қатнашчилари ҳар куни кўрадиган мисоллар танланганда мулоқот самарадорлиги, айниқса, ортади.

Айтилганидек, тадбир номи кишиларни кизиктирадиган, рухлантирадиган бўлиши керак. Мавзуни

эшитган, ўкиган киши тадбирда нималар тўғрисида мулоҳазалар юритиш кераклигини англаши ва унда муаммога дахлдорлик ҳисси уйгониши керак. Шунинг учун тадбир ҳақидаги эълонда энг мухим фикрлардан иштирокчиларни хабардор килиш зарур.

5-шарт. Мақсад

Тадбирда таргиботчи олдига қатнашчиларда янги билим ва аниқ тасаввурларни пайдо қилиш вазифаси кўйилади. Тадбир давомида маъruzachi томонидан изоҳланган билимнинг ўзлаштирилиши ҳар бир иштирокчидаги ички ишончни пайдо килиши ва уни маълум мақсадлар сари йўналтириши асосий мақсад ҳисобланади. Бунинг учун тадбирда олға суриладиган асосий ғояларни тезислар шаклида ёзиб қатнашчиларга олдиндан тарқатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу одамларнинг тадбирга тайёрланиб келишига, мулокот савияси юкори бўлишига хизмат киласди.

Тадбир бошланган вақтда иштирокчиларга етказилиши лозим бўлган масалалар савол тариқасида умумий тарзда барча иштирокчиларга берилади. Дастребки натижа қайд этиб кўйилади. Тадбир якунида айнан ўша саволлар яна такroran берилади. Аввалги натижа билан солиштириб, самарадорлик аниқланади. Шунда жавоб берган одамларнинг фикри такрорий тарғибот ролини ўйнайди.

6-шарт. Тадбир сценарийси

Тадбирга ёзилган сценарий маъruzачининг тажрибаси, билим савияси каби хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузилиши керак. Бунда белгиланган мавзу бўйича маъruzачининг шахсий тайёргарлиги асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир маъruzachi тадбир учун сценарий тузатётганда ўзи чуқур билган, англаган ё ижтимоий, ё иқтисодий, ё сиёсий, ё хукукий соҳага


кўпроқ таяниши зарур. Шунда маъruzанинг ишончли чикиши таъминланади. Тадбирдан сўнг қатнашчиларда аниқ билимлар тизими шаклланиб қолади.

7-шарт. Тадбирнинг бориши

Қатнашчиларни толиқтирмаслик, уларнинг диққатини доимий жалб қилиб, фаоллаштириб туриш, тарихий, миллий, замонавий мисоллардан фойдаланиш тадбирнинг муваффақиятли кечишини таъминловчи мухим омиллардир. Бунинг учун одамларни қаторларга, гурухларга бўлиб, уларга умумий ёки алоҳида саволлар, қизиқарли топшириклар бериб, ижодий рақобат мухитини пайдо қилиш керак бўлади. Тадбир давомида фаоллик ва билимдонлигини кўрсатган 3 кишини пировардида мукофотлаб, уларга сўз бериш самарали ҳаракатдир. Бунда улар ўз сўзларида тарғиботчи сингдирмокчи бўлган тезисларни қайта эсласига шароит яратиш керак. Ана шунда тезисларнинг иккинчи марта бошқа одам томонидан қизиқарли такрорланишига эришилади.

8-шарт. Аудитория

Нотик, ташкилотчилар билан қатнашчилар ўртасида мулоқот ва ўзаро мурожаат учун кулай, самимий мухит яратиш тадбир самарадорлигини оширишда мухим омил. Бунинг учун аудитория билан нотик ўртасида самимий муносабат ўрнатилиши керак. Тадбирга келган ҳар бир қатнашчи ўзининг ҳам тингланишини хоҳлайди. Шунинг учун тадбир қатнашчиларига ўз фикрларини эмин-эркин билдиришига имконият берилиши мухим. Фақат нотик қатнашчи томонидан билдирилган фикрни тадбир мавзуи ва мақсадига йўналтира олиши керак. Айнан шу ерда нотикдан эътиборлилик, зийраклик ҳамда мавзуни чукур ўзлантирганлик талаб килинади.



Аудитория билан мuloқот ўрнатиш учун эса расмиятчиликдан воз кечиши керак. Агар расмиятчиликка берилиб кетилса, иштирокчиларда нафакат нотиққа, балки мавзуға нисбатан ҳам бефарқлик пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун маърузачи тадбирни самимий, аудиториянинг руҳиятини тушунган ҳолда олиб бориши лозим.

9-шарт. Тақдим этилаётган ахборотлар ва кўргазмали воситаларга қўйиладиган талаблар

Кўргазмали воситалар кам вақт ичида кўп маълумотни чиройли қилиб тақдим этади. Нотикнинг кўргазмали воситалардан унумли фойдаланиши унинг жиддий тайёргарлигини намоён этиб, тингловчиларда унга нисбатан ҳурмат уйғотади. Шунинг учун тадбирларда Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида эришган ютукларига бағищланган ҳужжатли фильмлардан, мультимедиалардан, слайдлардан фаол фойдаланиш тавсия этилади.

Яна бир талаб – тадбир ўтадиган жой тўғри танланиши, безатилиши керак. У кўримсиз, эътибордан қолган жой бўлмаслиги лозим. Агар тадбир ўтадиган жой жиҳозланмаган бўлса, бу иштирокчиларнинг руҳиятига, охир оқибат тарғибот сифатига салбий таъсир кўrsатиши аник.

Тадбирга мўлжалланган жойлар қанчалик танта-навор, дид билан жиҳозланса, иштирокчиларда ҳам ғурур, фахрланиш туйгулари пайдо бўлади. Жойларни жиҳозлашда миллийлик ва замонавийликка эътибор қаратиш лозим.

Маънавий-маърифий фаолият жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, энг аввало, педагогик-психологик талабларга жавоб бериши керак. Мазкур технологиялардан фойдаланишни ташкил этишда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

– тақдим этилаётган ахборот ресурслари ишончли, тегишли соҳанинг ҳозирги замон ҳолатига мос, тизимили ва кетма-кет кўргазмали амалиёт билан боғланган бўлиши;

– тақдимот материаллари илмийлиги ва қабул қилиниши осонлигининг ўзаро оптималь вариантда берилиши;

– тақдимот материалларининг баён этилиши шахсга йўналтирилган бўлиши керак.

Бериләётган ахборотлар тингловчиларда тадбир мавзуси юзасидан зарур кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришни таъминловчи топшириқлар ва вазифалардан ташкил топиши, аудитория ўзлаштириши лозим бўлган ахборотлар ҳажмини аниқлаш, уларнинг маълум бир мантиқий тизимда тақдим этилиши, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига мос келиши, ниҳоят, тизимлилик тамойилига жавоб бериши зарур. Шунингдек, ахборотларнинг йигилганлар тайёргарлик даражасига мос бўлиши мақсадга мувофиқ саналади.

Ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари муайян амалларни онгли, мунтазам, режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Маънавий-маърифий тадбирларни ўtkазишда фойдаланиши мумкин бўлган воситаларни куйидагича гурухлаш мумкин:

Мультимедиа – тадбирларда ахборотнинг турли хил кўринишлари: рангли графика, матн ва графикда динамик эфектлар, овозларнинг чиқиши ва синтезланган мусикалар, аннимация, шунингдек, тўлақонли видеоклиплар, ҳатто видеофильмлардан фойдаланишини таъминлайди.

Интерактив доска – бу компьютердаги тасвирларни проектор орқали намойиш этадиган сенсорли экранdir. Махсус дастурний таъминот матн, расм, видео ва аудио маълумотлар ва объектлар, ҳамда Internet-ресурслар билан ишлаш ва улар устига ёзув ва изоҳлар тушириш имконини беради.

Видеоанжуман – ўзаро узоқдаги гурухлар орасыда рақамли видеоёзув ёки оқимли видео күрнишида маълумотларни алмашиш, йиғилиш ва мунозаралар ўтказиш жараёнини таъминлайди.

Аудиоанжуман – тармоқ технологияси тизими ва телефондан фойдаланган ҳолда турли географик нукталарда жойлашган бир канча шахслар ва гурухларнинг маълумотларини овозли – рақамли кўринишда алмашиниш жараёнини таъминлайди.

Электрон ахборот ресурсларини тарқалиши бўйича икки гурухга ажратиш мумкин:

- жисмоний ташувчилар орқали тарқатиш (компакт диск, DVD диск ва Flash driver орқали);
- компьютер тармоги орқали тарқатиш (локал ёки корпоратив тармоқлар).

Агар тадбир ўтадиган жой замонавий технология воситалари билан жиҳозланмаган бўлса, бу иштирокчи-ларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади ва маърузачи тарғиб қилаётган ғояларга ишонч руҳияти сусаяди.

10-шарт. Эришилган натижаси

Маърузачи нутқининг сўнгидаги, албатта, иштирокчилар билан мавзу юзасидан савол-жавоб учун вақт ажратиши шарт. Гап шундаки, ёритилган мавзу тингловчига тушунарли бўлса, уларда саволлар туғилади. Аксинча, агар ҳеч ким савол бермаса, фикр билдириласа, бу мавзунинг тушунилмаганидан далолатdir. Агар аудиториядан саволлар берилмаса, маърузачи мавзу юзасидан ўзи қўшимча саволлар бериб, тадбир самарадорлигини таъминлаши мумкин.

Хужжатлаштириш ва тадбирнинг якуний самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар

Тадбирнинг баёнида: мақсад, тезислар, берилган савол, олинган жавоблар, ютуқ ва камчиликлар, ху-

лоса ва тавсиялар ёзилиб, имзоланиб, ташкилотчида сақланади.

Тадбир якунида баённомага маъруза матни иловга сифатида тикиб қўйилади. Аудиториядан тушган саволлар ва берилган жавоблар ҳам баённомада акс этади. Берилган саволларни маъruzachi ўзи учун ҳам алоҳида ёзиг олиши керак. Чунки, айнан шундай саволлар бошқа тадбирларда ҳам берилиши мумкин. Шундан сўнг берилган тавсия ва хуносалар ҳам тадбир баённомасига илова қилинади.

Тадбир давомида юкоридаги тавсияларга қандай амал қилингани бандма-банд баҳоланиб борилади. Тўпланган баллар ўтказилган тадбирнинг самарадорлик даражасини кўрсатади. Ўнта шартдан бирортаси, умуман, бажарилмаган бўлса – 0 балл, 25%и бажарилган бўлса – 3 балл, 50%и бажарилган бўлса – 5 балл, 75%ига – 8 балл, 100% бажарилган бўлса – 10 балл қўйилади. Ҳар бир шарт бўйича ютуқ ва камчиликлар қўйида кўрсатилган жадвал бўйича тўлдирилиб борилади:

Кўрсаткичлар	Ютуқлар	Камчиликлар	Балл
1			
2			
3			
4...			
...10			

Жами: _____ балл қўйилди.

томонидан ташкил

этилган «_____

» мавзусида тадбир самарадорлигини кузатган
эксперт _____ (Ф. И. Ш.) _____ имзо

20 ____ йил «____ » _____

ТАРГИБОТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Маънавият ва маърифат соҳасининг қуроли ҳам, воситаси ҳам, усули ҳам – тарғибот (одамларни рағбатлантириш), ташвиқот (шавқлантириш) ҳисобланади. Демак, бугун тарғибот – одамларни ягона шиор остида маънавий рағбатлантириши, ташвиқот – «Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт» завқини акс эттириши керак.

Тарғибот одамларда янги билим, түйғу, орзу-истакларни ҳосил қилиш, тўғри асосланган фикр, эътиқодни мустаҳкамлаш, нотўғри шаклланган стереотип, қараш, янглиш хулосаларни ўзгартиришни ҳам кўзда тутади. Шундай экан, масалага илмий-амалий ёндашув инсон психикасининг тузилишини билишни, тарғиботнинг метод, шакл, технология ва воситаларини ижтимоий психология ва педагогика, социологиянинг замонавий ютукларига таянган ҳолда танлаш ва амалга оширишни тақозо этади. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 451-сон Қарори ижросини таъминлашга бағишлиган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йигилишида қайд этилганидек, «нуқул улуғ алломаларимиз, боболаримиз эришган ютукларни мадҳ этиш; ютукларимизни қайд этиш; тарғиботнинг замонавий усулларидан фойдаланмаслик; янгиликларни кечикиб етказиш; мафкуравий таҳдидларни олдиндан кўра билмаслик, превентив

(превентив – олдини олувчи, огоҳлантирувчи) чоралар қўлланилмаётганлиги; асосий фикрлар тахминий гаплар, импровизация қилиш, «ижодий» ёндашишлар соясида қолиб кетаётганлиги; илмий-назарий асосга таянмаслик, интуицияга таяниш» каби камчиликларга йўл қўйилади. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш масалага илмий-назарий асосларга таянган ҳолда ёндашишни талаб килади. Бу эса, аввало, тарғиботнинг илмий-амалий принципларини аниқлаб олишни тақозо этади. Қуйида шарҳланаётган тарғибот принциплари миллий гоя тарғиботи ҳамда маънавий-маърифий ишлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириб борилади.

Ишонтириш. Мустақиллигимизнинг бебаҳо неъматлигига тингловчиларни ишонтириш – уларда ифтихор, Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч туйғусининг янада мустаҳкамланишига эришиш демак. Токи, тадбирдан чиқаётган юртдошимизнинг ишончи кираётганидагидан кучайиб, мамнун чиқсин. Тарғиботчи-тренернинг ўзида юксак ишонч бўлиши ва шу билан бошқаларга ибрат бўлиши бунда энг муҳим омил ҳисобланади. Қачонки, тарғиботчининг ўзи ишончсиз оҳангда, қиёфада, кайфиятда гапирса, тингловчиларни ҳам ишонтира олмайди.

Бунинг учун эса ҳамма ўз ҳаётида кўриб, гувоҳи бўлиб турган мисоллардан ўрнида фойдаланиш лозим. Умумий эмас, балки хусусий мисоллардан, яъни «жамият шундай бўляпти» дейиш эмас, «менинг ҳаётимда шундай ўзгаришлар юз берди» каби мисоллардан фойдаланиш тингловчини фикрлашга ундейди. Ишонтириш осон кечади.

Одамнинг ҳар бир ҳодиса, нарсага шахсий муносабати бўлади. Ўзаро сухбатда ёки тарбия, тарғибот мақсадларида, билиб ёки билмасдан киши ўз гапи

орқали шахсий муносабатини ҳам таркатади. Натижада, бир кишининг муносабати юзлаб кишиларнинг у ёки бу нарса, ҳодисага нисбатан муносабатига айланishi мумкин. Зеро, киши кўпинча ёнидаги сухбатдошини нимагадир ишонтиришга, унинг хулқатворини ўзгартиришга, ўз фикрини унинг ҳам фикрига айлантиришга, ўз истакларини бошқаларнинг истакларига, эътиқодининг бошқалар эътиқодига айланishiغا ҳаракат қилади. Ишонтириш услуби ҳақида психолого-педагогик адабиётларда кўплаб фикрлар билдирилган. Қисқача қилиб, ишонтиришни тарғибот нуқтai назаридан, А.нинг фикрини Б. томонидан далиллар, мисоллар, қиёслардан фойдаланиб, А.нинг мантикий таҳлили чиғириғидан ўтказиб, тасдиқлатиб ўзгартириш, дейиш мумкин.

Одам ҳаёти давомида кўп нарсани кўради, улардан таъсиrlанади. Бу таъсиrlар унинг фикр-ўйи, нияти, ғояларига ҳам таъсиr кўrsатмасдан кўймайди. Бирок, бу таъсиrlар бирданига одамнинг хулқ-атворига айланаб ҳам қолмайди. Ақлнинг «фильтри», таҳлили ва «тасдиғи»дан ўтгач, фикр ғояга айланади. Шу сабабли у ёки бу фикр, ғоялар асосли, ўринли, ҳаққоний дейилади. Чунки, одам уларни ўз фикрлари таҳлилидан ўтказиб қабул қилади.

Кўпинча одам ўзи ишонган, чуқур ҳурмат қиласиган кишисининг сўзини хеч бир таҳлил, мулоҳаза ва танқидсиз тўғридан-тўғри қабул қилади. Бу ҳол кўпроқ жаҳон реклама-тижорат тарғиботида ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам хорижий ва миллий телерекламаларда атоқли киноактёр, кизиқчи, қўшиқчиларнинг у ёки бу товарни реклама қилаётганини кўп кузатамиз.

Шу тариқа тарғиботнинг ишонтириш услуби ҳаридорлар сонини ошира боради. Чунки одамларнинг севимли шахсга бўлган ихлоси, ижобий муносабати

орқали товарга нисбатан ҳам ижобий муносабат юзага келади. Натижада, мухлислар ўзлари билмаган ҳолда ўша товарнинг харидорига айланади.

Одатда, ишонтириш усулида одам ўзига таклиф этилаётган фикрга ақлли, таҳлилий жавоб қайтариши учун унинг миясидаги барча бўлинмалар орасида мувакқат алоқалар ишга тушиши, ассоциация, тасаввур, тушунчалар ишлатилиши керак бўлади.

Коҳин, шаман, фолбинларнинг кичкириклари ҳаракатлари одам миясининг бир нуктасини қўзгалтириб, колган қисмини «фалажлантириб» қўяди. Бундай вазиятда тингловчининг чин юракдан хоҳлаган шифо истаги мазкур истакка бутун мияни бўйсундириб беради.

Сўз орқали гурух ёки шахсни ишонтириш услубини қўллашда қатъий талабларга риоя қилинади. Булар:

- а) шахсга индивидуал (якка) ёндашув;
- б) унинг шахсий маънавиятини, мафкуравий қарашларини билиш;
- г) унинг ишонишга мойиллигини, сиз таклиф қиласётган фояга муносабатини аниқлаш;
- д) мафкуравий таъсир усулларини яхши билиш;
- г) монотон – яъни бир оҳанглик ритмда фикрни жамловчи бир-икки марказий тушунчани, сўзларни фаол такрорлашдан (бош миянинг бир нуктасини муттасил қўзғатиб, бошқаларини ухлатиб қўйишдан) иборат.

Сўз – инсон учун шартли қўзғатувчи. У инсоннинг ўтган умри давомида бош миясида содир бўлган барча ички ва ташки таъсирланишлар билан боғлиқ. У шартли қўзғатувчилар таъсири ҳакида сигнал беради. Самарали ишлатилган сўз, хатто, уларнинг ўрнини боса олади. Яъни нарса, ҳодиса ёки воқеани сўзда ифодалаш орқали шартли қўзғатувчи (ўша нарса, ҳодиса) туфайли содир бўлувчи барча хатти-ҳаракатларни пайдо қилишиб мумкин (И.П.Павлов тажрибалари).

Тезкорлик. Тарғибот, у ёки бу ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ҳодисанинг содир бўлган вактидан келиб чикиб, уч турга бўлинади. Булар – превентив (олдини олувчи, огоҳлантирувчи), параллел (вокеа содир бўлиши билан бошланувчи) ва воеадан кейин бошланувчи тарғиботдир.

Превентив тарғибот одамларни содир бўлиши кутилаётган воеа, ҳодисани тўғри қабул қилишга тайёрлади. Тарғиботнинг бу турида содир бўладиган йирик воеа, ҳодиса тўғрисида аниқ маълумотлар бериб борилади. Бу усул аҳолини мафкуравий хуружлардан огоҳлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бунда бузғунчи ғоя, мафкуралар ўз ҳужумини бошламай туриб, одамлар огоҳлантирилади, уларда иммунитет ҳосил қилинади. Натижада, амалга оширилган хуруж одамларда ҳосил бўлган иммунитет қаршилигига учраб, чилпарчин бўлади.

Тарғиботнинг тезкорлиги – ўта мухим омил. Чунки, биринчи маълумот одам хотирасида тез ва мустаҳкам ўрнашиб қолади. Вакт бой берилса, мафкуравий ганимлар воеа тўғрисидаги маълумотни ўз манфаатларига мослаб, тўқиб-бичиб, биринчи бўлиб етказишга эришишлари мумкин.

Параллел тарғибот – тарғиботнинг кенг тарқалган тури. Унинг мақсади – бошланган, давом этаётган воеа-ҳодиса ҳакида маълумот тарқатиш, унинг мақсад-моҳияти тўғрисида одамларда етарли ва асосли билимларни ҳосил қилиш. Масалан, Олий Мажлиснинг бирор йирик масалага багишланган йигилиши, унда кўрилаётган масалалар борасида одамлар онгигда содир бўлиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар, ноаникликлар бартараф этилади. Шу тариқа одамлар янги билимларга эга бўлади.

Воеа-ҳодисадан кейинги тарғибот. У содир бўлган йирик, мухим воеанинг аҳамиятини батафсил ту-

шунтириш зарурати тугилганида амалга оширилади. Агар тарғиботнинг бу тури амалга оширилмаса, айрим кишиларда ахборот етишмаслиги туфайли воқеа моҳиятини тўла тушунмаслик ва унинг оқибатида ўз ҳаёти ва фаолиятида шу масалада қандай йўл тутишни билмаслик ҳолатлари учраши мумкин.

Долзарб янгиликлардан фойдаланиш одамларнинг онгига тез ва соз кириб боришга хизмат қиласди. Долзарб янгилик бирор воқеага даҳлдор, манфаатдор аҳоли қатламлари – зиёлилар, фермерлар, ёшлар ва ҳоказоларни тез камраб олади, тез ёйлади. Уларнинг караш ва эътиқодларига таъсир қиласди. Самарали ва амалий натижа беради. Бунинг учун ёритиладиган воқеа-ходисани танлашда уларнинг аҳолининг кўпчилик қисми учун муҳимлигидан келиб чиқиласди.

Тушунарлилик. Бугунги тезкор ҳаёт суръатида одамлар ўzlари дуч келаётган ахборот хуружлари, миш-мишларда келтирилаётган фактларни икир-чикирларигача таҳлил қилишга, фош этишга вақт топа олмасликлари мумкин. Кўпчилик бир фактнинг бошқа факт, воқеалар билан алоқаси, боғлиқлигини суриштириб, таҳлил қилиб ўтирумайди. Шунинг учун кишиларга тарғиботда келтирилган факт, воқеанинг сабаблари, ҳолати ва оқибатларини пухта тушунтириш керак бўлади. Farb тарғиботчилари орасида кенг урф бўлган «Воқеа эмас, унинг талқини муҳим», – деган қоида буни тасдиқлайди ва огоҳлантиради. Воқеа, фактни пухта тушунтириш одамларнинг идрокини енгилластиради, уларда тўғри нуқтаи назар ва муносабатни шакллантиради.

Тарғибот назариясида «Нутқида 10 та тушунарсиз сўз ишлатган нотик банкротга учрайди», деган накл бор. Бу бежиз эмас. Тарғиботчи кўпроқ кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланса,

нутки тушунарли бўлади. Расмиятчилик одамни бездиради. Тингловчилар билан расмий мажлис ўтказаётгандек оҳанг, киёфа, кайфият, ҳолат ва методда эмас, гўёки шунчаки дўстона сухбат қилаётгандек эркин ва самимий тарзда тадбир ўтказиш тарғиботчининг фойдасини, тадбир муваффакиятини таъминлайди.

«Тасвирли сўз». Мактаб дастурларидан биламизки, сўз – иккинчи сигналлар системасига киради. У биринчи сигналлар системасининг ўзбекона акси. Ўз ўрнида айтилган публицистик сўз унда тасвирланаётган воеа, манзаранинг ўрнини босиши мумкин. Бу физиологлар томонидан тасдиқланган. Масалан, янгиқўргонлик коллеж талабаси Шерзод Сурхондарёдаги янги темир йўлни ҳали бориб кўрмаган. Кечаги тадбирда атоқли нотик Бахтиёр Исҳоқов бу қурилишни шундай тасвирладики, Шерзод гўё Кумқўргонга бориб келгандек бўлди. Чунки у ҳароратли, образли баёндан таъсирланди, қурилиш кўламидан ҳайратга тушди. Демак, образли сўз кўз ўрнини босиши мумкин экан. Чунки, Шерзод аср қурилиши, деб номланаётган темир йўлни кўзи билан эмас, нотикнинг сўзи билан «кўрди». Нотик унда темир йўлни кўрганларда уйғонган ҳайрат, завқни пайдо кила олдида.

Худудий ёндашув. Тарғибот мазмунини белгилашда 4 худудий даражаси: 1. Республика. 2. Ҳудуд. 3. Тарғибот кечеётган туман, шаҳар. 4. Корхона, муассаса мисолларидан фойдаланиш тавсия этилади. Яъни, бирор соҳа бўйича республика, ҳудудий, маҳаллий ва хусусий мисолларни бир-бирига боғлаш тавсия этилади. Бу тингловчилар наздида у ёки бу соҳадаги ислоҳотлар ҳақида объектив, яхлит манзарани ҳосил қиласи.

ОАВлари маънавий-мафкуравий мавзулардаги барча ахборотлар мазмунини атрофлича, тўла ёритиб бера олмайди. Ҳолбуки, ахолини маънавий-мафкуравий

ахборотлаштириш – ҳозирги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хурружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф тугдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш – давр тақозоси.

Шунинг учун таргибот мазмунини белгилашда 4 худудий даража таъминланиши зарур:

1-даражса – Республика Маънавият ва маърифат Кенгashi, республика ОАВлари (марказий газета-журналлар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси дастурлари, республика давлат ва жамоат ташкилотлари нашрлари, нашриётлар ва х.);

2-даражса – Кенгашнинг минтақавий бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оммавий ахборот воситалари;

3-даражса – туман, шаҳар кенгашлари ва уларнинг оммавий ахборот воситалари;

4-даражса – ҳар бир корхона, муассаса, идора кенгashi, уларнинг ахборот хизматлари.

Яъни республика миёсида тарқатиладиган маълумот билан худудий, маҳаллий ва хусусий маълумотларни ажратиб олиш керак. Даража қанча қуи бўла борса, хусусий, яъни ўша туман, ташкилот ҳаётига доир маълумотларнинг ҳиссаси шунча орта бориши тақозо этилади. Чунки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман, корхоналар республика ОАВлари орқали ҳам ахборот билан таъминланади. Агарда худудий ОАВларида нукул республика оммавий ахборот воситалари материаллари бериб борилса, бир-бирини такрорлаш содир бўлади. Аҳолининг ўз

минтақаси, худуди, корхонаси ахборот воситаларига қизиқиши сусайиб кетади.

Аҳолини тұла қамраб олиш. Тасаввур килинг, ма-салан, парранда гриппидан огоҳлантирувчи тарғибот самарадорлигини қандай баҳоласа бўлади? Туман аҳолисининг 100 фоизи парранда гриппи нималигини тушунтириб, ўзини ва атрофдагиларни ундан қандай ҳимоя қилишини кўрсатиб бера олса, бу туманда ҳеч ким гриппга чалинмайди.

Тўлиқ қамров нафақат огоҳлантириш мақсадларида, балки бунёдкор ютукларимиз тарғиботида ҳам зарур. Қалбларга қувонч ҳар бир оиласа, энг чет тумандаги энг чекка уй, овлуларга-да кириб бориши керак. Ана шунда миллат ўз шижаоти, қудратини, нималарга қодирлигини 100 фоиз англайди, қаноатланади.

Самимият. Самимият – бегонани танишга, танишни дўстга айлантиради. Тарғиботда ҳам шундай, айниқса, мустақиллик мавзусида сўз кетганда. Маъруза-чи самимият билан сўзласа тингловчиларнинг онгига тез таъсир этади. Юралар бир хил ура бошлайди. Бунга эришмок учун нотикдан одамларга эътиборлилик, зийраклик, чукур билим, самимият талаб қилинади. Агар расмиятчиликка, акл ўргатишга берилиб кетилса, иштирокчиларда, ҳатто энг муқаддас мавзуларга ҳам бефарқлик пайдо бўлиши мумкинки, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

МУНДАРИЖА

Мураккаб давр талаби	3
Миллий ғоя тарғиботига тизимли ёндашиш	5
Тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш шартлари	11
Тарғибот тамойиллари.....	22

МУҲАММАД ҚУРОНОВ
ТАРГИБОТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Toшкент «Маънавият» 2015

Муҳаррир *P. Кўчкоров*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусаххих *O. Пардаев*

Компьютерда тайёрловчи *I. Аҳмедов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й. да
рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босми
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусхи.
Буюртма № 15-53. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти босмахонасида чоп этилди. 100047. Тонкент
Тараққиёт 2-берккӯча, 2-үй. Шартнома 16–15.

ISBN 978-9943-04-259-9

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-04-259-9.

9 789943 042599

Mānaviyat